

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус  
таълим вазирлиги  
Урганч Давлат университети  
Педагогика факултети  
Меҳнат таълими ёъналиши  
301-гуруҳ талабаси Халилова Зухранинг  
Касб танлашга йўллаш фанидан  
Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш мавзусида**

# ***РЕФЕРАТИ***

**Урганч-2014**

## **Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш.**

### **Режа:**

- 1. Касб танлашга йўллаш ишларининг бошланғич ҳолати.**
- 2. Дарсларда касб танлашга йўллаш ишларининг форма ва методлари**
- 3. Дарсдан ташқари вақтлардаги касб танлашга йўллаш ишларининг форма ва методлари**
- 4. Касбга доир консультация ишларининг мазмуни ва турлари.**

## **Касб танлашга йўллаш ишларининг бошланғич ҳолати.**

Мактаби ёшларни ўз қобилиятларига яраша онгли равишда аниқ мақсадга йўналтирилган касб танлашга тайёрлашга даъват этилгандир. Ишчи ихтисосини онгли равишда танлаш ёш ишчи шахсининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўрта мактаб ўқувчиларининг ишчи ихтисосини танлашлари, ўз маҳоратларини такомиллаштиришлари, Касб-хунар коллежлар, институтлар, университетлар ва академияларнинг кундузги ва махсус сиртки бўлимларида малакаларини оширишлари ишлаб чиқаришнинг чинакам, моҳир усталари бўлиб етишишлари, ижтимоий ҳаётда бозор иктисодиёти меҳнат ҳаракатида фаол қатнашишлари аллақачон қонуний тусга кириб қолди.

Бироқ ўқувчиларни касб танлашга йўллаш иши ҳар бир кишининг индивидуал сифатлари, қизиқишларқ, унинг қобилият ва майлларини, жамият эҳтиёжлари, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалиги барча соҳаларининг перспектив ривожланишини ҳисобга олгандагина самарали бўлиши мумкин.

Олий ва ўрта махсус (кичик мутахассиси, бакалавр, магистр) маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳар йили олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари, ўрта мактабни битирувчиларнинг тахминан 1/3 қисми қабул қилинганда ҳозирги пайтда мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун етарли бўлади. Шундай қилиб, кечаги тўқизинчи синф ўқувчиларининг 60 фоизи қандай бўлмасин, моддий ишлаб чиқариш доирасида ишлашлари ва ишчилар синфи ҳамда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари синфини тўлдиришлари керак. Шу боисдан мактабда касб танлашга йўллаш бўйича ишларни ташкил қилишдан мақсад ўз қобилиятини намоён қилишнинг ягона йўли олий маълумотга эга бўлиш орқали эмаслиги тўғрисидаги фикрни илгари суришдир. Ўқувчиларда жисмоний меҳнат кишиларига нисбатан ҳурматни бошдан, мунтазам равишда, мактабдаги барча таълим давомида тарбиялаб бориш керак. Ўз ўқувчиси қобилиятини ўқитувчидан бошқа ҳеч ким яхшироқ билмайди. Ўқитувчи ўқувчилардаги ишлаб чиқаришга онгли равишда олиб келадиган фазилатларни ривожлантиришга доир ишларни. жуда эҳтиёткорлик билан олиб бориши лозим. Шу билан бирга, касб танлашга йўллаш бўйича ишларнинг муваффақияти ишнинг барча форма ва методларининг жамулжам бўлишига: синфдаги фанларга оид дарслар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, «Касб танлаш ҳақида»ги лекция ва ҳоказоларга боғлиқ. Мактаб бу ишларни амалга оширишда ўқувчининг ота-онаси, мактаб кашшофлар ва “Камолот” ЁИХ ташкилотлари, оталиқ корхоналарининг жамоат ташкилотлари, шунингдек, бирлашган касаба кенгаш органларининг қўллаб-қувватлашига таянмоғи керак.

Бу борада касб-хунар коллежларини ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий каналларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 600-тага яқин ўқув юрти бўлиб, улардан 450-таси касб-хунар

коллежларидир. Бугунги кунда касб-хунар коллежлари 250 мингга яқин ўқувчи билим олмоқда.

Шунинг учун ҳам, тўккизинчи синфни тамомлаган ўқувчиларга катта умумтаълим тайёриликка асосланган хилма-хил ишчи касби ва ихтисосларини танлаш ва уларни эгаллашларида жуда кенг имкониятлар яратилган.

Касб танлашга йўллаш бўйича барча ишларни шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Касб маълумоти (касбга оид ахборотлар).
2. Касб тарбияси.
3. Касбга оид консультация.
4. Касб танлаш (касбга яроқлилиги).
5. Касбий адаптацияси.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, мазкур босқичлар, гарчи алоҳида-алоҳида кўриб ўтилаётган бўлсада, амалда улар бир бутунликда, комплекс қўлланилади. Ўқитувчи бир вақтнинг ўзида уларнинг бир нечтасидан фойдаланиши мумкин. Масалан, касбга оид ахборот билан параллель ҳолда у ёки бу касб ҳақида, агар ўқувчи касб билан танишиш пайтида бирор нимага тушунмай қолган бўлса, консультация берилиши ҳам мумкин. Аммо бу ҳар иккаласи танланган меҳнат тури бўйича касбга бошлангач ҳавасни пайдо қилиш учун асос саналиб, келгусида касб танлашга йўллаш ишлари давомида ривожлантирилиши ва мустаҳкамланиши лозим.

Ўқувчи томонидан меҳнат дарсларида олиб бориладиган касб танлашга йўллаш ишларини форма ва методларини батафсилроқ кўриб ўтамиз.

### **Дарсларда касб танлашга йўллаш ишларининг форма ва методлари**

Таълим жараёнида ўқувчиларни турли хил касблар билан таништириш бўйича мунтазам иш олиб бориш уларни касб танлашга йўдлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўқувчиларни ҳар бир жамоа хужалик; туман, шаҳар ишлаб чиқариш муҳити орқали меҳнат фаолиятининг барча турлари билан таништириш мумкин, шунинг учун ҳам ҳар бир меҳнат таълими ўқитувчиси мактабда ўрганиладиган фан доирасидан ташқаридаги, мактаб атрофидаги ишлаб чиқариш муҳити билан яхши таниш бўлиши лозим. Масалан, Тошкент шаҳар мактабларида ишлаётган меҳнат таълими ўқитувчиси металлларга механик ишлов бериш дарсида слесарлик ишларини ўтаётганда шаҳарнинг металл ишлаб чиқарадиган заводи билан таништириши мумкин.

Шунингдек, ўқувчиларнинг корхона билан, яъни саноат корхонасига қачон ном берилгани, ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг номи ҳамда асосий касб ва ихтисосларнинг қисқача рўйхатини таништириш амалга оширилади.

Бироқ ўқувчиларни корхона билан таништириш батафсилроқ бўлиши мумкин. Бунда ўқувчиларни асосий ишлаб чиқариш бўлимлари (цехлар) билан, уларнинг жиҳозланиши, ҳар бир цехнинг конкрет маҳсулоти, мазкур цехдаги касб ва ихтисосларнинг тўлароқ рўйхати билан таништириш лозим.

Ўқувчиларнинг ўқув (устахоналаридаги техникага оид ишлари уларни ишчи касби билан таништириш бўйича катта имкониятлар яратади.

Шунга қарамадан В-ВИИ синфлардаги меҳнат таълимининг мазмуни ўқувчиларда ҳар қандай касбни эгаллаш учун баб-баравар фойдали бўлган умумий меҳнат билим ва кўникмаларини таркиб топтиришга олиб келади, бундан ташқари меҳнат ўқитувчиси ўқувчиларни замонавий техниканинг элементлари, технологияси билан таништира бориб, уларда зарур меҳнат усуллари пайдо қилади, шунингдек, уюшқоқлик, озодалик, тежамкорликни тарбиялаб, уларни аста-секин ҳаётда ўз йўлини танлашга тайёрлайди.

Мактаб устахоналари ўз вазифасига кўра ўқувчилар ўқув меҳнатини ишлаб чиқариш билан бўлган алоқасини амалга оширади. Ўқувчилар ўқув устахоналарида металлларга ишлов бериш станогидида биринчи марта ишлайдилар, бу ерда улар материалга ишлов бериш устида дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар, техникага оид фикрлашлари, ижодий активлиги ва мустақиллиги ортади, касб ҳақидаги билимлари чуқурлашади ва кенгаяди.

Меҳнат таълими дарслари ҳам, бошқа мактаб фанлари қатори ўқувчиларда ҳавас уйғотиши лозим, аммо унинг манбаи оғзаки пропаганда эмас, балки ўқувчилар ўз мақсад ва меҳнат натижаларини кўра оладиган ижтимоий-фойдали характердаги буюмлар (мактаблар, корхоналар, оталиққа олинган болалар боғчасининг буюртмалар)ини тайёрлашга оид амалий ишлар бўлмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам, мактаб устахоналарида меҳнат таълимининг тўғри йўлга қўйилиши ўқувчиларнинг касб танлаши, айниқса ишчи касбини танлашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ишчи касби бўйича касбга оид ахборот ишларининг асосий йўналиши, характери мазмунини белгилаш учун меҳнат ўқитувчиси ўрганилаётган программа темасини машинасозлик ишлаб чиқариши билан, бу корхонада хизмат қилувчи ходимларнинг етакчи касблари билан яқиндан алоқасини ўрнатмоғи зарур. Шу муносабат билан меҳнат таълими ўқитувчиси ўз районининг ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда бу корхоналарнинг касб ва ихтисос бўйича ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжини яхши ўрганиши лозим.

Олинган материаллар асосида ўқитувчи меҳнат таълимининг конкрет саноат корхонаси билан алоқасини акс эттирадиган жадвал ҳамда мазкур корхона катта эҳтиёж сезаётган етакчи ишчи касблари рўйхатини эътибор билан тузиб чиқиши керак.

Ўқитувчи меҳнат дарсида программанинг у ёки бу темасини ўтиш жараёнида, хусусан, ўқувчилар томонидан чилангарликнинг металлларга белги қўйиш, тўғрилаш, букиш, қирқиш, арралаш операцияларини ўзлашти-ришларида уларни ишчи касби билан қандай таништирганини мисол асосида батафсилроқ кўриб чиқамиз. Меҳнат ўқитувчиси бу операцияларнинг тўғри усулларини кўрсатиб бериб ўқувчилар эътиборини бу усулларнинг қулайлигига, иш унумдорлиги ва сифатига қаратмоғи лозим.

Ўқитувчи ўқувчига бу топшириқларнинг сифатини пасайтирмаган ҳолда белгиланган вақт нормасида бажариши лозимлигини айтади. Ўқитувчи слесарлик операцияларини бажариш пайтида ўқувчиларда меҳнат усулларини

тўғри шакллантиришга ҳаракат қилиб, уларга агар чилангар-асбобсозлар, тамирловчилар, чилангар-штамповкачилар бажаришга тўғри келадиган ишлар характер жиҳатдан мураккаб ва масъулиятли эканини тушунтиради, шунинг учун меҳнат усуллари қатъий тўғри бажариш кераклигини айтади. Ўқувчиларни касблар билан таништиргач, ўқитувчи газо-электр пайвандчи, айниқса, чилангар-пайвандчи, чилангар-асбобсоз ихтисосига эга бўлган ишчилар корхонада энг малакали касб эгаси ҳисобланишини таъкидлайди.

Ўқувчиларда касбга қизиқишни тарбиялаш касбни тўғри танлашни назарда тутадиган етакчи мотивлардан бири ҳисобланади. Демак, мактабда касб танлашга йўллаш ишларининг муҳим йўналишларидан бири ўқувчиларда касбга бўлган қизиқишни аниқлаш ва ўстириш бўлмоғи лозим. Ўқувчиларнинг касбга қизқишини аниқлаш уларнинг муайян формада тайёрланган анкеталарни тўлдириш, умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар ўзлаштиришларини ўрганиш, уларни ўқитиш ва камол топтириш давомида кузатиш, касб ҳақида индивидуал суҳбатлар, ўқувчиларнинг тўғаракларга иштироки, қизиқиш картасини тўлдириш («Касб-ҳунар консультацияси» бўлимига қаранг), ўқитувчи ва ота-оналар билан суҳбат каби дидактик усул ва методлар ёрдамида амалга оширилади.

Олинган маълумотлар ўқувчи касбни (ихтисосни) ёки ўқув юртини тўғри танлай билдими, булар унинг ҳаваси ва қобилиятига мувофиқ келадими, нима сабабдан мазкур касбни ёки ўқув юртини танлади, ота-оналари ва ўқитувчиларининг фикри қандай эканини аниқлаш имконини беради.

Анкеталарни тўлдиришдан олдин ўқувчиларга улар анкетадаги саволларга жавоблар «ўйлаб» топмасликлари, балки ўз қизиқишлари ва конкрет имкониятларидан келиб чиқмоқлари кераклиги айтилади. Ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган жавоблар ўқитувчини чалғитади ва ўқувчиларнинг касбга қизиқишларини шакллантиришга доир масалаларни анча мураккаблаштиради.

Анкета маълумотларининг таҳлили асосида фан-ўқитувчиси, синф раҳбари ҳар бир ўқувчининг касбга, бўлган қизиқиши ва уларнинг барқарорлик даражаси, ишончилигини диққат билан ўрганади, ана шу асосда уларни янада ривожлантириш бўйича ташкилий-методик тадбирлар белгилайди, ўқувчида хато ёки ноаниқ истаклар бўлган тақдирда эа тушунтириш ишлари касбга оид суҳбатлар олиб бориши керак бўлади. Бироқ касбга қизиқиш бўйича бир мартагина ўтказилган анкета усули натижасидаги маълумотлар мактабни битиргунча объектив ва ўзгармас бўлиб қолади, деб ўйлаш хато бўлар эди. Гап шундаки, ўқувчиларнинг у ёки бу меҳнат фаолиятини танлаш бўйича майл ва қизиқишлари ҳар хил бўлиб, барқарорлиги эса пухта саналмайди. Касбга бўлган ҳавас динамикаси ва ривожини кузатиб бориш учун бундай анкета тарқатиш усулини ҳар бир синфда ҳар йили ўтказилгани маъқул.

У ёки бу ўқувчининг касб танлашида юз бераётган ўзгаришларни ўқитувчи ва синф раҳбари диққат билан кузатиши, ўрганиши, сабабларини аниқлаши керак. Шундай аниқлашлардан кейингина мазкур ўқувчининг касбга ҳаваси ва майлига доир кейинги ишлар тўғрисида ўйлаш мумкин.

Ўқувчиларнинг касбга қизиқиш масаласи кўриб чиқилганда юз берадиган ўзгаришларнинг сифат жиҳатдан фарқланадиган тўрт хил даражасини назарда тутмоқ зарур.

1. Олдинги қизиқиш кейинги синфда мустаҳкамланади ва ривожланади.
2. Олдинги қизиқишни аниқлаш ва касб ҳақида тасаввур қилиш пайдо бўлади.
3. Дастлабки қизиқиш бошқаси билан ўйлаб, асослаб танлангани билан алмашинади.
4. Меҳнатнинг у ёки бу турига нисбатан дастлабки пайдо бўлган қизиқиш унчалик ўйлаб танланмаганлиги туфайли сўна бошлайди, унинг ўрнига бошқаси пайдо бўлиши мумкин ва, аксинча, касбга қизиқиш бутунлай сўниши ҳам мумкин. Бундай ҳол кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчиларнинг ҳали онгли равишда ўзига касб танлай билмаслиги касбга ҳавас аста-секин ривожланиб бориши билан изоҳланади, уни мустаҳкамлаш учун эса касб танлашга оид ишларни тинимсиз амалга ошириш керак бўлади.

Касбга барқарор ва асосли қизиқиш ўқувчиларнинг фаолият турлари -ўқув, меҳнат, синфдан ташқари ишлар ва ҳоказолар билан мустаҳкамланиши зарур. Аммо қизиқишнинг чуқур ва қатъийлиги, аввало, унинг амалий фаолиятда янада мустаҳкамланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги, техникага оид ҳамда хизмат кўрсатиш меҳнати дарслари ва техника ижодкорлиги тўғараклари кўпроқ бу талабларга жавоб беради.

Қишлоқ мактаблари ўқувчиларида касбга қизиқишни таркиб топтириш учун меҳнат таълимининг қишлоқ хўжалиги тажриба участкаси, ўқувчилар бригадаси, ёш механизаторлар, ихтирочилар, табиатшунослар тўғараклари сингари метод ва формаларидан фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ мактабларида меҳнатга тайёрлаш ишларининг яхши йўлга қўйилиши ўқувчиларда қишлоқ хўжалиги касбларига қизиқиш имконини беради: яъни улар агротехника билим ва кўникмаларини эгаллайдилар, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш мумкин бўлган меҳнат фаолиятига тайёрланадилар.

Айниқса қишлоқ ёшларининг қишлоқ хўжалигида энг кўп тарқалган механизаторлик касбига интилишлари қайд қилинади. Механизатор меҳнатининг қизиқарли томони шундаки, бунда машиналар системаси ўсимликларнинг ривожланиш биологияси ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларининг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда яратилади, шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг техникага оид билим ва кўникмалари агротехника билимлари билан биргаликда олиб борилиши керак.

Ўқув корхоналарида меҳнат дарсларининг яхши йўлга қўйилиши ўқувчиларнинг саноат меҳнатининг ҳар хил турларига иштирок этишларида ҳал қилувчи аҳамият ўйнайди. Аммо бу масалада эришиладиган муваффақият кўпинча ўқувчининг ўзига, унинг интизомлилиги, тиришқоқлиги, ишга ўйлаб, жиддий муносабатда бўлишига боғлиқ.

Ўқувчиларнинг металлга ишлов бериш станокларида қўл ва механизациялашган асбоблар ёрдамида конкрет ўқув-ишлаб чиқариш ишларини

бажариши уларни саноат ишлаб чиқаришида кўпроқ тарқалган турли хил ихтисослар: чилангарлик, токарлик, фрезерлик, рандаловчи, пармаловчи сиигари касблар билан таништирибгина қолмай, балки уларда меҳнатнинг бу турларидан бирини эгаллашга бўлган қизиқишини ҳам ривожлантиради.

### **Дарсдан ташқари вақтлардаги касб танлашга йўллаш ишларининг форма ва методлари**

Ўқувчиларда касбга оид қизиқишларни ўстиришда колхозлар, совхозлар, саноат корхоналарига уюштирилаётган экскурсиялар самарали восита ҳисобланади.

Экскурсияга мактаб ўқитувчисигина эмас, ишлаб чиқаришда учрашишни мўлжаллаётган касб эгалари ҳам пухта тайёрлик кўришлари лозим. Экскурсия бошланиши олдида ўқувчилар мазкур корхонанинг ички-тартиб қоидалари, яъни хавфсизлик техникаси, унинг территорияси ва цехларида ўзини тутиш қоидалари билан таништирилган бўлишлари керак. Шунингдек, ўқитувчи уларга цехларни жиҳозланиши, хом ашё, технологик жараёнлар, тайёрланадиган маҳсулот ва касбга оид материаллар йиғиш бўйича аниқ топшириқлар бериши даркор. Бунинг учун корхона вакили ишлаб чиқариш характери, унинг маҳсулоти, янги техниканинг жорий қилиниши ва фан ютуқлари, ишлаб чиқариш новаторлари, рационализаторлар, ихтирочилар ҳақида; ўқиш, турмуш, оммавий-маданий ишлар, корхонанинг ривожланиш истикболлари, коллективнинг асосий вазифалари ҳақида; профессионал кадрларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги масалаларни ёритиб бериши керак.

Ўқувчилар экскурсиядан олган таассуротлари ва тўплаган материалларини ҳисоботлар, иншолар, рефератлар, стендлар, альбомлар тарзида расмийлаштиришлари лозим. Шундай қилиб, корхонага уюштирилган экскурсиялар ўқувчиларга уларнинг танлаган касбга муносабати ҳамда унга бўлган профессионал қизиқиш даражасини аниқлашда ёрдам бериши керак.

### *Тўғарак ишлари.*

Мактабда ташкил илинадиган фанлар бўйича, биринчи навбатда, техникага оид тўғаракларнинг мақсади — болаларнинг синф машғулотлари жараёнида қондирилмаган талаб ва эҳтиёжларини (бу талаб ва эҳтиёжлар ҳар -бир ўқувчида соф индивидуал ҳолда бўлади) қондиришдан иборат.

Тўғаракларни эркин танлаш, уларда машғулотдан бўш вақтларда эркин иштирок этиш, мустақам билим ва малакаларни ишчан ва ижодий шароитда, биринчи навбатда, касбга йўналтирилган жуда кўп қимматли сифатларини таркиб топтиришни тарбиялашга ёрдам беради.

Мактабда тўғарак ташкил қилганда, ўқувчиларни тўғарак ишларига оммавий жалб этишгагина ҳаракат қилиб қолмай, балки, биринчи навбатда, нима учун ўқувчи ушбу тўғаракда шуғулланишни хоҳлаётганини, бу тўғарак турини танлаганда хатога йўл қўйган-қўймаганлигини ҳам аниқлаш лозим.

Шу мақсадда фан ўқитувчиси, синф раҳбари, тўғарак раҳбарлари ўқув йилининг бошланишида дарсларда, тарбиявий соатларда бевосита ўқувчилар

билан суҳбат ўтказиши ва мактаб радиоси орқали ўз шогирдларига қандай тўғараклар ишга тушишини, улар ишининг мазмуни, нимадан иборат эканлигини ўқувчилар улардан қандай билим ва кўникмалар олиши мумкин, улар учун қандай амалий ишларни бажаришга тўғри келади — ана шулар ҳақида, гапириб беришлари лозим.

Ўқувчи тўғаракларни тўғри ва беҳато танлаганини аниқлаш учун тўғаракларга ёзилиш бўйича анкеталар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу анкеталар ўз ичига қуйидаги икки саволни олиши зарур:

1. Сенга қандай тўғарак ёқади?
2. Нима учун сен айнан шу тўғаракда шуғулланишни хоҳладинг?

Ўқувчиларнинг бу саволларга берган жавоблари каобга қизиқишнинг йўналишини ҳам, тўғарак танлаш сабабларини ҳам аниқлаш имкони беради. Тўғарак айрим ўқувчиларнинг истакларини қондира олмаганда тўғарак раҳбари бу ўқувчига ишида ҳам умумий, ҳам назарий, ҳам амалий машғулоти бўлган аралаш тўғаракни тавсия қилиши лозим.

Ҳар қандай тўғарак ишишг муваффақияти ундаги биринчи машғулотнинг қанчалик ,уюшган ва қизиқарли ўтказилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига тўғаракнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириши, шунингдек ,уларга лойиҳаланадиган ва ясалиши керак бўлган машиналарнинг ҳаракатдаги моделини кўрсатиши керак. Буларнинг ҳаммаси тўғарак аъзоларида мустақил ижодий фаолиятга қизиқиш, зарур билим ва кўникмалар олишга иштиёқни ўстиради. Мисол тариқасида тўғарак аъзоларининг радиотехника тўғарагида тўғарак аъзоларини касб билан таништириш тахминий плаиини ҳамда уларда касбга қизиқишни ўстириш методларини кўриб чиқиш мумкин.

Ўқувчиларни қишлоқ хўжалигига қизиқишини ошириш, конкрет қишлоқ хўжалиги каоби билан таништиришда ёш табиатшунослар тўғараги катта аҳамиятга эга. Ёш табиатшунослар тўғараги, одатда, ўз ишини программа асосида тузади. Ёш табиатшунослар тўғараги: фермер-сабзавоткор; гулчилар, боғбонлар, чорвадорлар сингари қатор секцияларни ўз ичига олади.

Ёш табиатшуносларнинг тўғаракларда мунтазам иштирок этиши уларнинг касбга қизиқишларини ривожлантиради. Қишлоқ хўжалик ишларига қизиқишини оширади, ҳаёт йўлини янада оңглироқ танлашларига ёрдам беради.

### *Қизиқишига кўра клуб ва группалар.*

Ўқувчиларда касбга ҳавасни таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг янги, энг самарали йўллари излаш, қизиқишига кўра клуб ва группалар дейиладиган янги форманинг туғилишига олиб келди. Бу группаларга аъзо бўлганлар йиғувчи-чилангар, чилангар-асбобсоз, штамповкачи-чилангар , ремонтчи-чилангар , сантехник- чилангар каби турдош ихтисослар билан танишадилар.

Қизиқишига кўра группаларни комплектлашни каобга бўлган қизиқиши сўнган ўқувчилардан таш-кил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу группалар-да асосий ишлар группа планини тузишда иштирок этадиган, унинг бажарйёлишини кузатиб борадиган, касб ҳақида консультация ва суҳбатлар ўтказадиган, ота-

оналар ва актив ўқувчилар билан иш олиб борадиган синф раҳбари зиммасига юклатилади.

Қизиқишига кўра группаларни комплектлашда ўқувчиларнинг жисмоний кучи ва соғлигини ҳисобга олиш зарур. Группаларга бевосита раҳбарлик қилиш учун кишлоқ жойларида фермер хужалиги зоотехниги, электрик, механик, фермер-асалчи, фермер-усимликшунос, агроном ва бошқалар, саноат корхоналарида участка устаси, цех бошлиғи, участка бригадири, бош механик, энергетик, технолог, ишлаб чиқариш муҳандиси тайинланади.

Қизиқишига кўра группа аъзолари ундаги асосий ва аралаш касблар бўйича материалларни, яъни нашрлардан қирқиб олинган профессионал меҳнат ва ишлаб чиқариш илғорлари ҳақидаги откритка ва фотосуратларни, ишлаб чиқаришнинг турли масалалари бўйича статистик маълумотлар, халқ хўжалиги турли соҳаларининг тараққиётини кўрсатадиган схема диаграммаларни ҳамда мазкур иқтисодий туманнинг ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳақидаги маълумотларни йиғишлари лозим. Тўпланган материаллар «Менинг севган касбим» деб номланган махсус стендга жойлаштирилади.

Бироқ қизиқишига кўра группаларнинг фаолияти материаллар тўплаш билан чекланиб қолмайди. Группаларда эътибор кўпроқ ихтисослар бўйича ўқувчиларнинг амалий-фаолиятига, уларнинг меҳнат мазмунини англашларига, асосий меҳнат усуллари эгаллашларига қаратилмоғи лозим. Қизиқишига кўра группаларда ишнинг бундай ташкил қилиниши унинг аъзолари ўртасида касбга қизиқишни таркиб топтиришни таъминлайди.

Қизиқишга кўра клублар ишининг мазмуни ҳам қизиқишига кўра группалар ишининг мармунига ўхшаб кетади. Бироқ клубларда бажариладиган иш ҳажми ва унга қатнашувчилар сони группаларникидан анча кўпроқ бўлади. Улар орасидаги асосий фарқ, асосан шундан иборатдир.

Касбга қизиқишни ривожлантириш формасига мисол тариқасида: «Ёш темир йўлчилар клуби», «Ёш қурувчилар клуби», «Ёш менеджерлар клуби» ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Қизиқишига кўра клублар турли хил мактаблардан жуда кўп ўқувчиларни ўзига камраб олган.

Клубларда касбларни ўрганиш ва касбга қизиқиш методлари қизиқишига кўра группаларники билан бир хил бўлади. Қизиқишига кўра клубларда касбга оид ахборотлар тўплаш учун, ишда тажриба алмашиш ҳамда ишчи касби дақида билимларни ташвиқот қилиш учун яхши шароитлар яратилган.

#### *Касблар ва касбларга қизиқиш ҳақида рефератлар.*

Ўқувчилар орасида бундай ишларни амалга оширишдан мақсад касб билан яқинроқ таништириш ва меҳнатнинг муайян бир турига бўлган қизиқишни кучайтиришдан иборатдир.

Меҳнат таълими дастурларида мактабда ўқувчиларга қатор касблар ҳамда металл ва ёғочга ишлов бериш: машинасозлик ва электр энергияси, хизмат кўрсатиш меҳнати, кишлоқ хўжалиги ихтисослари билан танишиш имконини беради.

Бироқ, бу касблар мазмунини тўла ўрганиш учун бу маълумотлар етарли эмас. Шунинг учун ҳам қандайдир аниқ касбга муайян даражада ҳаваси бўлган ўқувчиларга реферат темаларини таклиф этиш зарур.

Механизаторлик касби бўйича рефератларнинг тахминий режаси қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Сен механизатор касбини қандай тасаввур қиласан?
2. Бу касб сенга нима учун ёқиб қолди?
3. Мустакилликка эришгандан аввал қишлоқ хўжалиги механизация билан қандай таъминланган эди ва ҳозир қандай?
4. Фермер хўжаликларда қандай қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланилади, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик техникаси тараққиётининг исшқболлари қандай?
5. Механизатор меҳнатининг мазмуни нимадан иборат? Колхоз ва совхозларда улар меҳнатининг аҳамияти қандай?
6. Қаерда ва қайси ўқув юртларида бу касбни эгаллаш мумкин? Уқиш шaroитлари ва келгусидаги истикболи.
7. Келажакда сенинг режаларинг қандай?

Мазкур касбга доир реферат учун материаллар тайёрлаш ва йиғиш, уни турли қишлоқ хўжалик машиналарида ишлаб туриб параллел ҳолда ўрганиш ўқувчиларга бу касбни яхши билишнигина эмас, балки унга бўлган барқарор қизиқишни таркиб топтириш ймконини ҳам беради.

### **Касбга доир консультация ишларининг мазмуни ва турлари.**

Касбга доир консультациялар ташкил қилишда хатосиз касб танлашда ёшларга ёрдам бериш, ёш инсон қобилиятини янада тўлароқ ривожланиши учун шaroитлар яратиш асосий вазифа қилиб қўйилади.

Касбга доир консультация мактабни битирувчи синфлар билан ўтказилган бир марталик суҳбат характерини олиб қолмай, балки шартли босқичларга бўлинган ҳолда таълимнинг барча даврлари мобайнида ўтказиб турилиши керак.

Чунончи, биринчи босқичда (касбни тушунтириш жараёнида, яъни касб танлашга тайёрлаш даврида) касбга доир консультация иштиёқ ва қобилиятнинг ривожланиши бўйича йўналтирилган ишларни танлашда ўқувчиларга ёрдам беришга, ўқувчи шахсий хусусиятларини ўрганиш асосида касбга қизиқишни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак. Шундай қилиб, касбга тайёрлаш консультациялари фақат касбга қизиқиш бўйича ишларни эмас, балки шахснинг шаклланишини ҳам назарда тутди.

Иккинчи босқич ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши, касбга қизиқиши ва қобилияти, мазкур касбга қанчалик тайёрлиги сифати, даражаси, соғлиғи ҳақидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда профессионал тайёргарлик кўриш йўли ва аниқ касб танлаш билан боғлиқдир.

Бу босқични касбга оид консультациянинг якуний босқичи деб аташ ҳам мумкин. Бу босқич ўқувчиларнинг ВИИИ—ИХ синфларни битиришлари олдида фам ўқитувчилари, синф раҳбарлари, мактабнинг касбга оид комиссияси, касб

танлашга йўллаш хонаи, корхоналарнинг вакиллари, ўқув юртлари ва ишга жойлаш бўйича идораларнинг ходимлари томонидан ўтказилади.

Учинчи босқичда касб танлашларга аниқлик киритиш ҳамда ўқувчиларнинг касб танлашдаги хатоларини тузатишдан иборат аниқловчи консультация амалга оширилади. Қасбга оид консультациянинг бу тури, одатда, собиқ ўқувчилар корхонада ишлаётган ёки ўқув юртида ўқиётган вақтида ўтказилади.

Касбга оид консультациялар қуйидаги асосий формалари билан фарқ қилади:

1. Ташкилий-маълумотнома.
2. Медицина.
3. Психология-педагогика.

#### *Ташкилий-маълумотномаа консультацияси.*

Касбга оид консультациянинг бу тури ҳамиша ишлатиладиган ахборот-маълумотнома материаллари системаси етарли даражада бўлганда яхши натижа бериши мумкин. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича бўлим ва касб хунар таълими бошқармаларида жамланадиган ишчи кадрларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги, касб хунар коллежларига қабул қилиш ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар ахборот-маълумотнома материаллари ўрнида фойдаланилиши мумкин.

Шуни эсда тутиш керакки, касб хунар коллежлар, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ҳақидаги маълумотлар тегишли справочникларда тўпланган бўлади. Бу справочниклар ҳар йили қайта нашр этилади ва китоб дуконларига сотувга чиқарилади.

Касбга доир консультациялар ўтказишда зарур маълумотларни сақлаш, қидириш ва улардан фойдаланиш учун махсус ташкил этилган картотекалар катта қулайликлар туғдиради. Фойдаланиш учун мукамалроғи ва қулайроғи чети тешикли карточкалар ҳисобланади. Перфокарталар одатдаги карточкага нисбатан ўз ичига касбга оид консультациялар бўйича зарур материалларни кўпроқ олади.

Касбга оид консультациялар учун кўпроқ ахборот материаллари ҳозирги вақтда адабиётларда жамланган. Бироқ, улардан фойдаланишнинг қийинлиги шундаки, касбга ва касб танлашга йўллашга оид маълумотлар турли хил манбаларда мавжуд. Шунинг учун касблар ҳақида ахборот берувчи консультантда фақат касб ҳақидаги тавсия адабиётларининг рўйхати эмас, балки келажакда касб танлаш билан боғлиқ бўлган баъзи (масалаларни аниқлашда эҳтиёж сезадиган, ўқувчилар фойдаланиши мумкин бўлган адабиётларнинг ўзи ҳам бўлиши зарур.

Бироқ, касбга доир консультантнинг иши ташкилий-маълумотнома консультацияларига катта аҳамият бериш эмас, балки ўқувчилар мақсадини мазкур иқтисодий туманинг кадрларга бўлган эҳтиёжига яқинлаштириш имконини берадиган йўналишларини қидириб топиш ҳамдир. Бу ишлар шифокор ва психологларнинг консультацияларини ҳам мустасно этмайди.

#### *Медицина консультацияси.*

Ҳар бир ўқувчи ўзига адашмай касб танлар экан, унинг мазмунини билиши ва унга қизиқишини англатишнинг ўзи етарли бўлмайди. У касбнинг инсонга

қўядиган барча талабларига ўқувчининг соғлиғи жавоб бера олишини ҳам билиш зарур.

Маълумки, ўқувчиларнинг медицина кўригидан ўтиб туриши мактаб врачлари ва махсус медицина комиссиясига юклатилган. Мактаб шифокори ўқувчининг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини, улар соғлиғининг аҳолини мунтазам кузатиб бориши лозим. Касб танлашга доир барча маслаҳатлар ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда берилиши лозим, чунки организмдаги касалликлар айрим касбларни танлаш ва эгаллашга йўл бермаслиги мумкин.

Ноқулай шароитлар таъсири остида ўқувчилар организмда функционал, баъзан эса патологик бузилишлар нисбатан тез-тез пайдо бўлади. Мактаб ёшидаги болаларда одатда ўз имкониятини ортиқча баҳолаш ҳамда атроф муҳитни тўғри баҳолай олмаслик ҳоллари учрайди. Шу сабабдан кўпгина ўсмирлар ўз соғлиқлари танланаётган меҳнат тўрига мос келиш-келмаслиги-ни ҳамма вақт ҳам ҳисобга олавермайдилар, бу масалага ота-оналар ҳам доимо тўғри муносабатда бўлавермайдилар, нотўғри танланган касб саломатликни кескин ёмонлашишига олиб келишини камданкам ўйлайдилар.

Шунинг учун ҳам касб танлаганда шахсий майл ва қизиқишдан ташқари, организмнинг функционал имконияти, хусусан, соғлиқнинг аҳоли, жисмоний ривожланганлик, асаб системаси ва юрак-қон томир хусусиятлари, куч ва қобилияти, эшитиш, кўриш ва бошқа хусусиятлардан келиб чиқиш лозим бўлади.

Киши физиологик маълумотларининг касб талабларига мос келмаслиги бир хил шароитда бир боланинг ишни яхши уддалашига, иккинчи боланинг ишни уддалай олмаслигига олиб келади.

Демак, касбга яроқликни медицина томонидан ҳисобга олиш касал ўқувчиларгагина эмас, балки соғлом ўқувчиларга ҳам зарур.

Ўқувчиларнинг касб танлашида уларнинг жисмоний ривожланишини, организмдаги физиологик ўзгариш хусусиятларини, ўсмирнинг соғлиғини ҳисобга олган ҳолда тўғри йўл тутиш тўғри ривожланиш ҳамда меҳнат қобилиятини йўқотишни илгарироқ олдини олишга шарт-шароитлар яратади. Бундан ташқари, организмнинг компенсаторлик имкониятларини ривожлантириш учун мослашиш жараёнларини активлаштириш усулларида бири саналади. Шунинг учун саломатлигида у ёки бу даражада касалликлар мавжуд бўлган ўсмирларда касбни тўғри танлаш ва ишга жойлашиш кўпчилик ҳолларда уларнинг соғайиб кетишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

### *Психологик-педагогик консультация*

Касбга доир консультациянинг бу тури ўқувчиларга ўз имкониятларини тўғри баҳолаш, фаолиятнинг индивидуал услубини досил қилиш имконини беради, шахсий қизиқиш ва қобилиятларини халқ хўжалигининг малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжлари билан мослаштириш учун яхши шароитни таъминлайди. Бироқ, касбга доир консультациянинг бу тури бўйича бир қатор назарий ва методик масалаларни етарли ишлаб чиқилмагани ва тайёргарлиги бўлган мутахассисларнинг камлиги муайян даражада қийинчиликлар туғдиради.

Мавжуд қийинчиликларга қарамай, ҳозирги пайтда психологик-педагогик консультация масалалари бўйича муайян ишлар қилинмоқда, кейинроқ уларни амалга ошириш юзасидан катор методик тавсияларни берамиз.

Энг кўп тарқалган методлардан бири суҳбат методдир. Бу методнинг мақсади ўқувчи конкрет шахсининг майли ва касбга доир қизиқишларини аниқлашдан, зарур ҳолларда эса касбга доир қизиқишларни жамиятнинг социал эҳтиёжларига мувофиқ равишда тузатишдан иборатдир.

Психологик консультациялар системасида суҳбатлар аниқланган қизиқишни рағбатлантириш ва ривожлантиришга, ёки аксинча, хато, дераксизларини тўхтатиш ҳамда муайян майл ва касбга доир қизиқишни бошқа йўналишга солиб юборишга қаратилган бўлади. Бунда психологик-дидактиканинг тушунтириш, ишонтириш, рағбатлантириш, қойиш каби усулларида фойдаланиш зарур. Ўқувчи билан консультант ўртасида муваффақиятли психологик алоқа ўрнатиш, уни маҳорат билан ўтказилишига боғлиқ, оптимал психологик шароитлар яратиш эса консультант билан ўқувчи муаммосининг бошланғич босқичида тез-тез учраб турадиган танглик тўсиғини бартараф этишга ёрдам беради. Аммо касбга доир консультация суҳбатининг характери, консультация ўтказилаётган даврга қараб, ҳар хил: бу дастлабки даври — кириш ва диагностика, кейинги даври — аниқловчи ва ахборот характерида бўлиши мумкин. Масалан, аниқлаш суҳбатининг мақсади ўқувчининг касб танлашининг ҳақиқий сабаби, унинг тўғри танлашига бўлган ишонч даражасини аниқлашдан иборат, чунки касбга доир консультантнинг мазкур ўқувчи билан бундан кейинги олиб бориладиган ишларининг муваффақияти шунга боғлиқ.

Аниқловчи суҳбатдан олдин ўқувчилар текширувдан ўтадилар. Текширув анкета саволларига жавоб олиш, қизиқиш, карталарини тўлдиртириш, ота-оналар, фан ўқитувчиларининг ўқувчиларга берган характеристикаси ёрдамида амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг шахсий сифатлари ҳақидаги маълумотларини тўплашда қўлданадиган ҳужжатлар намунаси ҳамда улардан фойдаланиш методикаси турли хил қўлланмаларда берилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Муслимов Н.А., Муллахметов Р.Г. Касб танлашга йўллаш. Тошкент 2007.
2. Давлатов К. Д., Меҳнат ва касб таълими – тарбиясидан амалий машғулотлар – Тошкент, «Ўқитувчи», 1994йил.
3. Давлатов К. Д., Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992 й.
4. Рамизов Ж.Р., Умумтехника предметлари ўқитиш ва меҳнат таълими методикаси. – Тошкент. Ўқитувчи 1982йил.
5. Тхоржевский Д. А., Меҳнат таълими методикаси, - Тошкент, “Ўқитувчи”, 1987йил.